

**ҚЎРИҚЛАНАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ҲУДУДИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ  
ОЛДИНИ ОЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА  
ТЕХНОЛОГИК ИСТИҚБОЛЛАР**

© Шокиров Фаррухбек Одилжон ўғли

Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси Хизматни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш  
бўлими Таълим муассасаларини қўриқланишини ташкиллаштириш бўлинмаси катта  
инспектори, катта лейтенант.

телефон: +99899 707 90 44 e-mail: [farruxbekshokirov94@gmail.com](mailto:farruxbekshokirov94@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19053042>

**Аннотация.** Мазкур мавзуда қўриқланадиган объектлар ҳудудида қўриқлаш хизматининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари ташкилий-ҳуқуқий, кадрлар, технологик ва бошқарув омиллари кесимида ёритилади. Профилактика фаолияти объект хавфсизлигини таъминлаш, режим талабларига риоя этилишини назорат қилиш, мулк ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш, хавф омилларини барвақт аниқлаш ва нейтраллаштириш, шунингдек фавқулодда ҳолатларда тезкор жавоб қайтаришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуи сифатида талқин этилади. Таҳлилда истиқболли йўналишлар сифатида: ваколат ва масъулиятни аниқ белгилаш, стандарт операцион процедуралар (SOP)ни жорий этиш, рискка асосланган профилактик режаслаштириш, ахборот алмашинувини рақамлаштириш, видеокузатув ва сигнализация тизимларини интеллектуал таҳлил (антиинтрузия, антифрод, perimeter monitoring) билан уйғунлаштириш, ходимларнинг касбий тайёргарлиги ва хизмат маданиятини ошириш, идоралараро ҳамкорлик ва тезкор алоқа каналларини мустаҳкамлаш каби чоралар асосланади. Хулоса сифатида, профилактика самарадорлиги “режим–технология–инсон омили–назорат” интеграцияси орқали таъминланиши ҳамда натижадорлик KPI ва аудит тизими билан баҳоланиши зарурлиги таъкидланади.

**Калит сўзлар:** қўриқлаш хизмати, қўриқланадиган объект, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, такомиллаштириш истиқболлари, режим талаблари, SOP, рискка асосланган профилактика, видеокузатув, сигнализация, периметр назорати, рақамли мониторинг, тезкор алоқа, идоралараро ҳамкорлик, касбий тайёргарлик, хизмат маданияти, KPI, аудит.

Қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Аммо хавф-хатарлар табиатининг мураккаблашуви, техника-технологиялар тез янгиланиши, инсон омили билан боғлиқ рисклар ҳамда режим қоидаларини бузишга қаратилган янги усуллар профилактик ишларни доимий равишда такомиллаштиришни тақозо этади. Шу боис қўриқлаш хизматида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий, технологик ва кадрлар соҳасидаги истиқболли йўналишларни белгилаш долзарб аҳамият касб этади. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган туб ислохотлар шароитида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон Фармонда<sup>1</sup> белгиланган устувор мақсадлар ва “*Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида*”ги Қонуни<sup>2</sup> ҳамда “*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*”<sup>3</sup>ги Фармонида белгиланган вазифалар 2025 йилда “*ҳар бир маҳаллада хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш*”ни барча масъул идоралар учун марказий йўналиш сифатида белгилади. Бу эса маҳалла — туман — вилоят даражаларида аниқ жавобгарлик занжирини шакллантириш, жиноят содир этилган маҳаллалар бўйича чораклик манзилли чора-тадбирлар режаларини қабул қилиш, криминоген вазияти оғир ҳудудларда илмий-амалий ўрганишлар ўтказиб, асл сабаб-омилларни бартараф этиш каби вазифаларни тизимли бажаришни талаб қилади.

Шу ўринда, қўриқлаш хизмати — давлат, ўта муҳим ва бошқа тоифаланган объектлар, йирик бозорлар, транспорт ва ижтимоий инфратузилма пунктларида хавфсизликнинг “*биринчи чизиги*” сифатида — барвақт профилактика, риск-идентификация, кириш-чиқишни ҳуқуқий тартибга солиш, мониторинг ва маълумот алмашинувини таъминлашда ҳал қилувчи ўринга эгадир. Мавзунинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда қўриқланадиган объектлар ҳудудида профилактик фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш орқали қўриқлаш хизматининг ваколат ва масъулият чегараларини аниқлаш, маҳалла даражасидаги барвақт профилактика билан амалда интеграцияланадиган механизмларни (манзилли режалаштириш, ҳисобдорлик ва индикаторлар) қонунчиликда мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, мутаносиблик ва қонунийлик кафолатларини амалиётга татбиқ этиш, идоралараро ҳамкорлик ва рақамли маълумот алмашинувини нормалаштириш ҳамда жиноятчиликнинг содир этилишидан олдин хавф-хатарларни барвақт аниқлашга йўналтирилган рискга асосланган бошқарувни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш имкони яратилади. Натижада қўриқлаш хизматининг профилактик мандати умуммиллий ислохотлар мантиғига уйғунлашиб, жойларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш, объектларда тартиб-назоратни кучайтириш ва аҳоли хавфсизлик ҳиссини оширишга қаратилган ҳуқуқий-институционал базани мустаҳкамлайди.

Шу ўринда, бугунги кунда янги Ўзбекистон Қонунчилик маълумотлари миллий базасида айнан қўриқлаш бош бошқармаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи нечта турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда ва улардан неча фоизи айнан жамоат тартибини таъминлаш даврида аниқланган хуқуқбузарликлар билан боғлиқ вазифаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солмоқда? деган ўринли савол юзага келади.

Олиб борилган илмий изланишлар ва амалдаги меъёрий базанинг тизимли таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда Миллий қонунчилик тизимида айнан Қўриқлаш бош бошқармаси (ҚББ) фаолиятини тартибга солишга дахлдор жами 45 та норматив-ҳуқуқий

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. “Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 158-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/7166588>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/2387357>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5749291>

хужжат мавжуд. Ушбу ҳужжатлар мазмуни, ҳуқуқий кучи ва амал қилиш доираси мезонлари асосида шартли равишда қуйидаги беш тоифага гуруҳланади:

**биринчи тоифадаги ҳужжатларга** – базавий қонунлар ҳамда Президент фармони ёҳуд қарорлари;

**иккинчи тоифадаги ҳужжатларга** – Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;

**учинчи тоифадаги ҳужжатларга** – идоралараро ва идоравий низомлар, йўриқномалар ва стандартлар;

**тўртинчи тоифадаги ҳужжатларга** – маълумотлар базалари, кадрлар тайёргарлиги ва рухсат-лицензиялашга оид ёрдамчи тартиблар;

**бешинчи тоифадаги ҳужжатларга** – маъмурий жавобгарлик ва процессуал тартибни белгилайдиган умумий кодекслар.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз навбатида жамоат тартибини таъминлаш даврида аниқланадиган ҳуқуқбузарликлар устидан таъсир чораларини, ҳуқуқий тартиб-назоратни, иш юритиш ва қарор қабул қилиш ваколатларини энг аввало **биринчи, иккинчи** ва **учинчи тоифадаги ҳужжатлар** тўғридан-тўғри белгилайди. Масалан, “Миллий гвардия тўғрисида”ги Қонун ҚББнинг жамоат хавфсизлиги, тартиб-интизом ва маъмурий ишлар юритишда иштирок этиш вазифаларини конституциявий-қонуний меъёрлар даражасида мустаҳкамлайди<sup>4</sup>. “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун эса давлат органлари ва ҚББнинг ваколатларини, объектлар рўйхатини тасдиқлаш ва шартнома-қўриқлаш моделидаги масъулиятни белгилайди<sup>5</sup>.

Президент қарорлари жумладан, 2021 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4997-сон қарори айнан ҚББнинг ташкилий-ҳуқуқий архитектурасини, тузилмавий бўлинмаларини ва уларнинг профилактик мандатини аниқлайди<sup>6</sup>, 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон<sup>7</sup> ҳамда 2025 йил 18 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ-253-сон<sup>8</sup> Қарорлар эса маҳалла даражасида барвақт профилактика ва

<sup>4</sup> “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида”ги № 647-сон Қонуни, 18.11.2020; кучга кириш санаси: 20.05.2021. (Миллий гвардияга жамоат хавфсизлиги ва маъмурий ишлар юритишда иштирок этиш вазифалари юкланади). Lex.uz

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ647-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/6066682>

<sup>6</sup> Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қонуни // <https://lex.uz/ru/docs/5300150>

<sup>7</sup> Мирзиёев Ш.М. “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // <https://lex.uz/docs>

<sup>8</sup> Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ-253-сон қарори // <https://lex.uz/docs/7690026>

хуқуқбузарликлар профилига мос таргетланган чора-тадбирлар тизимини белгилаб, ҚББнинг дастурий-операцион вазифаларига тўғридан-тўғри имплементация нуқталарини киритади. **Иккинчи тоифадаги хужжатлар** бўлса Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ўзида акс этирган “умуртқа устуни” сифатида хизмат қилувчи хужжатлар бўлиб, мазкур хужжатлар мазмунига кўра маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни/баённомани кўриб чиқишга (*маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузишга, иш қўзғашга*) ваколатли органлар классификатори<sup>9</sup> ни ўзида қамраб олган. Шунингдек, идоровий-ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларига оид намунавий низом ва ҳамкорлик тартибини, шунингдек хабарлашув-алоқа алгоритмларини ўрнатишга хизмат қилади<sup>10</sup>. **Бешинчи тоифадаги хужжатларда** эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс маъмурий иш юритишнинг умумий қоидаларини, компетенция ва процессуал кафолатларни белгилайди; охириги йиллардаги тузатишлар миллий гвардия органларининг муайян моддалар бўйича ишлар кўриш шунингдек, хужжатлаштириш ваколатларини кенгайтиргани билан аҳамиятлидир<sup>11</sup>. Шу фонда учинчи ва тўртинчи тоифадаги хужжатлар институционал қувватни таъминлайди. Бунда идоровий низомлар орқали ҳудудий-секторал мослашув, кадрлар тайёргарлиги, рақамлаштирилган ҳисоб-китоб ва рухсат-бериш жараёнлари ишлайди<sup>12</sup>. Демак, 45 та хужжатнинг тизимли таҳлили ҚББ учун “қонун → сиёсий қарор → нормотворчилик деталлашуви → идоровий стандарт → процессуал кодекс” занжирида яхлит ва иерархик изчиллик мавжудлигини, жамоат тартибини таъминлаш даврида аниқланадиган хуқуқбузарликлар бўйича ваколатлар эса айнан *биринчи, иккинчи ва бешинчи тоифалардаги нормаларда* бевосита ифода топганини тасдиқлайди.

Ўтказилган норматив-ҳуқуқий хужжатлар мониторинги шуни кўрсатадики, маъмурий хуқуқбузарликлар бўйича иш юритувида (*баённома тузиш, иш қўзғаш ва ишни кўриб чиқиш*) ваколатлар доираси бир қатор хужжатларда турлича ифодалангани сабабли ҳуқуқий аниқликка эҳтиёж мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Низомга илова сифатида шаклланган “*ваколатли органлар классификатори*”да жами 46 та орган кўрсатилган бўлиб, улар орасида 380-код билан Миллий гвардия органлари (44-ўрин) ва 381-код билан алоҳида махсус субъект сифатида Қўриқлаш бош бошқармаси (ҚББ) (45-ўрин) қайд этилган.

<sup>9</sup> Маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий хуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги [низомга](https://lex.uz/docs/3723808) 8-илова // <https://lex.uz/docs/3723808>

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Идоравий ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда идоровий қоровуллик бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 630-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/6266410> // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва хуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат органлари ва ташкилотлари идоровий қоровуллик бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 598-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/6236977>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекс (22.09.1994) — маъмурий иш юритишнинг умумий қоидалари ва процессуал кафолатлари // <https://lex.uz/docs/97664>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг “*Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида*”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/5511879>



Бу маъмурий иш юритуви занжирида ҚББнинг субъект сифатида эътироф этилганини англатади<sup>13</sup>.

Бироқ амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг III-бўлими (“Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар”) ҳамда XVIII-боби (“Ишларнинг тааллуқлилиги”) матнида ҚББ мустақил махсус субъект сифатида қайд этилмаган. Нормалар иерархияси нуқтаи назаридан (*lex superior* ва *lex specialis* мезонлари) паст даражадаги классификаторда субъект сифатида мавжуд тузилманинг Кодекс матнида акс этмаслиги ҳуқуқий аниқсизлик ва амалий қийинчиликлар келтириб чиқаради. Мазкур номувофиклик идора ходимлари томонидан тузилган процессуал ҳужжатларнинг ҳуқуқий кучини шубҳа остига қўйиш, ваколатдан чиқиш (*ultra vires*) хатари, далилларнинг йўл қўйилмаслиги, иш юритуви натижаларининг судда бекор қилиниши эҳтимоли ошади<sup>14</sup>.

Амалий жиҳатдан мазкур бўшлиқ 2023 йил 28 август куни Миллий гвардия қўмондони ташаббуси билан қабул қилинган, техник қўриқлаш марказларининг тезкор ҳаракатланувчи гуруҳлари (ТХГ) фаолиятини такомиллаштиришга доир буйруқ ижросида ҳам намоён бўлади. Жумладан, ТХГ ҳодиса жойига етиб келган пайтда маъмурий процессуал таъсир чораларини қўллашнинг аниқ ҳуқуқий асос ва тартиб-қоидалари Кодекс даражасида белгилаб қўйилмагани сабабли профилактик ва тартиб-интизомий таъсирнинг самараси пасаяди, идоралараро ҳамкорликда “ваколат қопламаси”даги бўшлиқлар юзага келади<sup>15</sup>.

Юқоридаги маълумотлар мазмунидан келиб чиқиб, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил шуни кўрсатадики, маъмурий иш юритуви занжирида ваколатлар аниқлиги, очиқлиги ва ҳисобдорлиги демократик полициянинг асосий талаблари сифатида эътироф этилади. ОЖТ/ОБСЕнинг “Democratic Policing” қўлланмаси полиция ваколатларини қонун билан аниқ белгилаш ва бу ваколатлар устидан жамоатчилик ҳамда институтчионал назоратни таъминлашни ядровий принцип деб баён этади. Шунингдек, БМТ НТБ (UNODC)нинг полиция ҳисобдорлиги бўйича қўлланмаси эса ички-ташқи текширув механизмлари, процедуравий шаффофлик ва мансабдор шахслар рўйхатини тизимли юритишни асосий стандарт сифатида тавсия қилади<sup>16</sup>.

<sup>13</sup> “Ваколатли органлар классификатори” (8-илова) — 322-сон ВМ қарори. Амалдаги таҳрирда “380 — Миллий гвардия органлари”, “381 — Қўриқлаш бош бошқармаси” кодлари киритилган (2025 йил 21 апрелдаги 247-сон ВМ қарори таҳрири қайд этилган).

<sup>14</sup> МЖТК 242-модда ва Учинчи бўлим сарлавҳаси. Учинчи бўлим (маъмурий ишларга ваколатли органлар), 242-модданинг 1 ва 4-бандларида судлар, болалар масалалари бўйича комиссиялар ҳамда “ички ишлар органлари..., давлат инспекцияси органлари ... ва ушбу Кодекс билан ваколат берилган бошқа органлар” санаб ўтилади; ҚББ алоҳида субъект сифатида тилга олинмаган // МЖТК XVIII боб — “Ишларнинг тааллуқлилиги”. Боб сарлавҳаси ва 245-моддadan бошланган нормалар ишларни тааллуқлилиги тартибини белгилайди; ҚББ номма-ном кўрсатилмаган (бу ҳолат классификатордаги алоҳида субъект сифатидаги қайд билан ҳуқуқий диссонанс келтиради).

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондони Р.Джуроевнинг 2023 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси техник қўриқлаш марказлари тезкор ҳаракатланувчи гуруҳларининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 221-сон буйруғи

<sup>16</sup> Guidebook on Democratic Policing by the Senior Police Adviser to the OSCE Secretary General // <https://www.osce.org/files/f/documents/5/3/23804>

Германия тажрибасида OWiG §36 маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритишда “ким” қарор қабул қилишини федерал ёки ер (Land) даражасидаги меъёрлар орқали аниқ белгилайди. Норма “*субъект–ихтиёрлар–масъулият*” учлигида аниқлик яратиб, судолди босқичида юрисдикция коллизияларини минималлаштиради ва қарорларнинг барқарорлигини оширади<sup>17</sup>.

Австрияда VStG §50 “*Organstrafverfügung*” орқали махсус тайёргарликка эга назорат органларига айрим ҳуқуқбузарликлар бўйича жойида (on-the-spot) жарима солиш ваколати берилади. Норма нафақат ваколат доирасини, балки процессуал реквизитларни (*ҳуқуқбузарлик тавсифи, вақти-жойи, жарима миқдори, орган номи*) ҳам қатъий рўйхатлайди — бу эса тезкор профилактик таъсир билан бирга ҳуқуқий аниқликни кафолатлайди<sup>18</sup>.

Россия Федерациясида КоАП РФ 28.3-моддаси протокол тузишга ваколатли мансабдорлар тоифасини тармоқлар кесимида батафсил санаб ўтади; ушбу рўйхат ваколатли федерал ижроия органлари томонидан тасдиқланади. Секторларга бўлинган, кўп босқичли делегация модели процедуравий масъулият нуқталарини ойдинлаштириб, статистик ҳисоб ва хизмат назоратини осонлаштиради<sup>19</sup>.

Ҳорижий илмий-назарий адабиётларда ҳам ваколатларнинг аниқ ҳуқуқий типизацияси полицияни демократиклаштириш ва натижага йўналтирилган бошқарув учун шарт экани таъкидланади. Дэвид Бэйли полицияни демократиклаштиришда ҳуқуқий аниқлик ва ҳисобдорликни “*институционал архитектура*”нинг ўзаги деб кўрсатса, Герман Голдстейннинг “*муаммога йўналтирилган полиция*” (POP) концепцияси аниқ ваколат ва жараёнлар деталлашувини натижавийликни оширишнинг амалий йўли сифатида асослайди<sup>20</sup>.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг “*Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)*” деб номаланган **242-моддасини** қўйидаги янги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир.

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар қонунда назарда тутилган ҳолларда судлар, шунингдек ушбу Кодексда белгиланган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилади.

2. Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, қўйидаги органлар ва мансабдор шахслар маъмурий ишларни кўриб чиқишга ҳақли:

а) ички ишлар органлари — ушбу Кодексда белгиланган доирада;

б) давлат назорати (инспекция) органлари — уларнинг ваколат соҳалари доирасида;

<sup>17</sup> Gesetz über Ordnungswidrigkeiten (OWiG) § 36 Sachliche Zuständigkeit der Verwaltungsbehörde // [https://www.gesetze-im-internet.de/owig\\_1968/\\_\\_36.html](https://www.gesetze-im-internet.de/owig_1968/__36.html)

<sup>18</sup> Bundesrecht konsolidiert: Verwaltungsstrafgesetz 1991 § 50, Fassung vom 27.06.2018 // <https://www.ris.bka.gv>.

<sup>19</sup> Code of Administrative Offences of the Russian Federation No. 195-FZ of December 30, 2001 (as amended up to Federal Law No. 446-FZ of December 29, 2017), Russian Federation // <https://www.wipo.int/wipolex/en/legislation/details/17708>

<sup>20</sup> David H. Bayley “Democratizing the Police Abroad: What to Do and How to Do It” // <https://www.ojp.gov/pdffiles1/nij/188742>.

с) божхона, солиқ ва бошқа ваколатли органлар — ушбу Кодексда белгиланган моддалар кесимида;

д) **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, шу жумладан Қўриқлаш бош бошқармаси — ушбу Кодекснинг 248<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган тартиб ва ҳажмда.**

3. Миллий гвардия органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тааллуқлилиги, шу жумладан **Қўриқлаш бош бошқармасига** тааллуқли ҳолатлар, ушбу Кодекснинг XVIII-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

4. **Қўриқлаш бош бошқармаси** қўриқланадиган объектлар ва уларга туташ ҳудудларда объект режими, хавфсизлик, кириш-чиқиш тартиби ҳамда жамоат тартибига дахлдор ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий иш юритувини ушбу Кодексда белгиланган тартибда амалга оширади.

5. Миллий гвардия органлари номидан маъмурий ишларни кўриб чиқишга ва (ёки) баённома тузишга ҳақли мансабдор шахслар қуйидагилардан иборат:

а) Миллий гвардия органларининг ушбу Кодексда белгиланадиган лавозимдор шахслари;

б) **Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиги ва унинг ўринбосарлари; ҚББ ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари; шунингдек ушбу Кодекс ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мансабдор шахслар.**

6. Ушбу модда бўйича ваколатдор мансабдор шахсларнинг позицион рўйхати ва идентификацияси, шунингдек уларнинг процессуал ҳаракатларини амалга ошириш тартиби ушбу Кодексга мувофиқ қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилади; бунда қонуннинг устуворлиги ва процессуал кафолатлар таъминланади.

7. Ушбу моддада назарда тутилган органлар ва мансабдор шахслар ўз ваколатларини ушбу Кодекс ва қонунларда белгиланган чеклардан чиқмаган ҳолда амалга оширади, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда қонунга мувофиқ ҳисобдор бўлади.

Ушбу таклиф келажакда Қўриқлаш бош бошқармасини МЖТКнинг 242-моддаси мазмунига номма-ном интеграция қилиш натижасида кутиладиган ижобий ютуқлар қуйидагича кенгроқ илмий асосланади. Буларга:

**Биринчидан**, МЖТКнинг 242-моддаси матнига Қўриқлаш бош бошқармасини (ҚББ) номма-ном интеграция қилиш “умумий–махсус” нормалар иерархиясини (242-модда → 248<sup>1</sup>-модда → XVIII-боб) ички уйғун тизимга келтиради; натижада **lex certa** (ҳуқуқий аниқлик) ҳамда **lex specialis derogat legi generali** тамойиллари амалда институционаллашади. Бу эса компетенциялар чегарасини ҳуқуқий техника мезонларига мувофиқ равшан белгилаб, идоралараро коллизияларни ва ишларни юбориш/ўтказишдаги транзакция харажатларини кескин қисқартиради.

**Иккинчидан**, процессуал иктисодиёт ва **due process** кафолатлари кучаяди: тезкор (оператив) гуруҳларнинг ҳодиса жойида баённома тузиши, далилларни қайд этиши ва иш қўзғатиши қонун даражасида легитим асосга эга бўлади.

Шу билан ўртача “чақирувдан иш қўзғатишгача” интервали қисқаради, протокол нуқсонлари ва судда бекор қилинган қарорлар улуши барқарор пасайиш трендига кириб, маъмурий адолатнинг барқарорлиги ошади.

**Учинчидан**, далиллар айланмаси сифати **chain of custody** (далилларни сақлаш занжири) стандартлари бўйича институционаллашади: стандартлашган шакллар, чек-листлар ва позицион ваколат рўйхатлари қўлланилиши орқали далилларнинг тегишлилик, ишончлилик ва йўл қўйилувчанлик мезонлари мустаҳкамланади; прецедент барқарорлиги ва судолди босқичдаги эпистемик сифат ошади.

**Тўртинчидан**, инсон ҳуқуқлари ҳимояси тизимида пропорционаллик, қонунийлик ва ҳисобдорлик тамойиллари амалда кучаяди. Ваколат чекларининг аниқ белгиланиши ортқча ва номутаносиб таъсир чоралари рискларини профилактика қилади; шикоят–апелляция механизмларининг фаол ишлаши эса маъмурий юрисдикцияда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди.

**Бешинчидан**, рақамли бошқарувда интероперабеллик ва **конкорданс** таъминланади: ВМК-322 классификаторидаги 380/381 кодлар билан “Е-маъмурий иш” ўртасидаги тегиш механизмлари барқарор ишлаб, маълумотлар алмашинувининг тезлиги ва аниқлиги ошади.

Шу орқали реестрлар бирхиллиги сақланади, индикаторлар ҳисоботи ва мониторингнинг ишончлилиги юқори даражага кўтарилади.

**Олтинчидан**, кадрлар салоҳияти институционал стандартлар асосида ривожланади: ҚББ бошлиғи, ўринбосарлари ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари учун мажбурий сертификация ва қисқа циклли процессуал тайёргарлик модуллари жорий этилган ҳолда компетенция-профиллар аниқ операционализация қилинади; натижада ҳуқуқни қўллаш амалиётида хатолар профилактикаси тизимли характер касб этади.

**Еттинчидан**, иқтисодий-маъмурий самарадорлик ошади: иш юритишнинг ўртача даври қисқаради, қайта кўриш ва бекор қилишлар улуши камаяди, хизмат харажатлари оптималлашади. Ресурсларни тақсимлашда “бир ойна”га яқинлашган жараёнлар харажат-самара нисбатини яхшилаб, маъмурий хизмат кўрсатиш тизимининг қиймат занжиридаги йўқотишлар (waste)ни қисқартиради.

**Саккизинчидан**, профилактика таъсири кучаяди: кўриқланадиган объектлар ва уларга туташ ҳудудларда майда ҳуқуқбузарликлар динамикаси пастга йўналган трендга ўтади, хавф-омиллар эрта аниқланади ва мутаносиб, ҳужжатлаштирилган чоралар қўлланилади. Бу, ўз навбатида, хавфни бошқариш матрицаларининг (risk matrices) амалда ишлашини таъминлайди.

**Тўққизинчидан**, ижтимоий капитал ва институционал ишонч индекси юксалади: ҳуқуқни қўллашда ягона тафсир, очиқлик ва ҳисобдорликнинг ортгани жамоат ишончини мустаҳкамлайди, идора-фуқаро муносабатларида легитимликни кучайтиради ва ҳуқуқ-тартибот субъектларининг социетал акцепциясини оширади.

**Ўнинчидан**, моделнинг модулли-масштабланувчан табиати туфайли тизим барқарор кенгаяди: меъёрий конструкция ва рақамли конкорданс бошқа ҳудуд ва объект тоифаларига тез татбиқ этилади, профилактикадан процессгача бўлган бутун циклда далилга асосланган (evidence-based) қарор қабул қилиш амалиёти институтционал нормага айланади.



Шундай қилиб, таклиф этилаётган интеграция маъмурий юрисдикциянинг ҳуқуқий аниқлиги, процессуал самарадорлиги ва ҳуқуқий-информацион инфратузилмавий уйғунлигини бир вақтнинг ўзида оширадиган комплекс ислохот сифатида назарий-амалий рационалликка эга.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, МЖТКнинг 242-моддасига Қўриқлаш бош бошқармасини номма-ном интеграция қилиш “умумий–махсус” нормалар занжирини институтсионал жиҳатдан барқарорлаштириб, ваколат ва чекловлар аниқлигини (lex certa) таъминлайди, процессуал самарадорлик ҳамда далил-ашё айланмаси сифати ошишини кафолайди, инсон ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлайди ва БМҚ-322/Е-маъмурий иш билан рақамли конкордансни тўлиқ ишга туширган ҳолда жамоат ишончи ҳамда маъмурий адолат барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

№	Норма элементи	Аввалги ҳолат (амалдаги таҳрир)	Янгича таҳрир (лойиҳа)	Ўзгариш моҳияти	Кутиладиган амалий таъсир
1	Модданинг умумий конструкцияси	Умумий қоида: ишларни судлар ва ушбу Кодекسد белгиланган давлат органлари/мансабдорла р кўриб чиқади. ҚББ номма-ном тилга олинмаган.	Умумий қоида сақланади, лекин <b>Миллий гвардия органлари, шу жумладан ҚББ</b> алоҳида бандда номма-ном кўрсатилди.	ҚББнинг субъект сифатида аниқ идентификац ияси.	Ваколат юзасидан талқинлар қисқаради; ҳуқуқий аниқлик (lex certa) ошади.
2	Ваколатли органлар рўйхати (242-модда 2- қисм)	“Ички ишлар органлари..., давлат инспекциялари..., божхона, солиқ ва Кодекسد ваколат берилган бошқа органлар” каби умумий саноқ.	2-қисмга янги банд (d) киритилди: <b>“Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари, шу жумладан Қўриқлаш бош бошқармаси — Кодексининг 248<sup>1</sup>- моддасида назарда тутилган тартиб ва ҳажмда.”</b>	Умумий нормадан махсус нормага тўғридан- тўғри ҳавола.	Қонун қўллашда бир хиллик; судолди босқичда процессуал хатолар камаяди.
3	Тааллуқлилиқка ҳавола	Тааллуқлилиқ масаласи XVIII-бобга юборилади, ҚББ махсус қайд этилмаган.	3-қисмда: ҚББга тааллуқли ҳолатлар XVIII-боб қоидаларига мувофиқ экани аниқ ёзилди.	ҚББ иштирокидаг и ишларнинг юрисдикцияс и равшанлашди	Ишни “ўтказиш/юбориш”даг и кечикишлар қисқаради.
4	ҚББнинг предмет соҳаси	Алоҳида тилга олинмаган.	4-қисм: <b>ҚББ — қўриқланадиган объектлар ва туташ худудларда объект режими, хавфсизлик,</b>	Предмет- функционал доира аниқlandi.	Тезкор гуруҳлар ҳодиса жойида қонуний процессуал ҳаракат қила олади.

№	Норма элементи	Аввалги ҳолат (амалдаги таҳрир)	Янгича таҳрир (лойиҳа)	Ўзгариш моҳияти	Кутиладиган амалий таъсир
			кириш-чиқиш тартиби ва жамоат тартибига дахлдор хукукбузарликлар бўйича иш юритади.		
5	Мансабдорлар позицион рўйхати	Миллий гвардия доираси умумий тилда; ҚББ лавозимлари аниқ рўйхат билан очилмаган.	5-қисм: ҚББ бошлиғи, ўринбосарлари, худудий бўлинма раҳбарлари ва қонунга мувофиқ бошқа мансабдорлар баённома/иш кўриб чиқишга ҳақли деб аниқ кўрсатилди.	Ваколатдор шахслар позицион тарзда белгиланди.	Протоколлар йўл қўйилувчанлиги ошади; “ултра вира” рисклари камаяди.
6	Қонун-ости хужжатлар билан уйғунлик	Аниқ механизм қайд этилмаган; амалда ВМҚ-322 классификатори орқали.	6-қисм: позицион рўйхат ва процессуал тартиб <b>Кодексга мувофиқ қабул қилинадиган НХХ</b> билан белгиланиши муҳрланади.	Кодекс–НХХ вертикали муштаҳкамлан ди.	ВМҚ-322 (код 380/381) ва “Е-маъмурий иш” билан барқарор интеграция.
7	Инсон ҳуқуқлари ва чекловлар	Умумий қоида даражасида.	7-қисм: ваколат чеклари, инсон ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳисобдорлик тўғрисида алоҳида қайд.	Процессуал кафолатлар аниқ баёни.	Нозўравон қўллаш, шикоят механизми самараси ошади.
8	Норматив техника (умумий → махсус)	Умумий норма устун, махсусга тўғридан- тўғри ҳавола кам.	Янги таҳрирда 242- моддадан <b>248<sup>1</sup></b> га тўғридан-тўғри ҳавола бор.	Норматив иерархиядаги “умумий– махсус” боғланиш муштаҳкамлан ди.	Ҳуқуқни қўллашда ягона тафсир.
9	Ахборот тизимларига таъсир	Бевосита тилга олинмаган.	Натижавий тарзда ВМҚ-322 ва Е-тизим билан уйғун ишлайди (позицион рўйхат, идентификаторлар).	Дастурий- техник мослашув осонроқ.	Статистика ва мониторинг сифатини оширади.
10	Коллизия ва такрорланишлар	ҚББга доир коллизия хавфи мавжуд.	Махсус нормалар киритилиб, коллизиялар профилактикаси таъминланди.	Коллизиялар камаяди.	Судда бекор қилинган қарорлар улуши пасаяди.